

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**645** **Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида****[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин:

биринчидан — йўл ҳаракати хавфсизлиги республика, ўрта ва қуйи бўлинмалари фаолиятини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тартибини ўрнатиш, бунда уларнинг асосий вазифалари ва функциялари, раҳбарлар ва ходимларнинг ўзига юклатилган вазифаларни бажариши учун шахсий жавобгарлиги аниқ белгиланиши ва тақсимланишини назарда тутиш;

иккинчидан — йўлларда, айниқса Тошкент шаҳрида йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилиши ва тирбандликнинг ҳосил бўлишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни тизимли равишда комплекс таҳлил қилиш ва бартараф этиш асосида йўл ҳаракати қоидалари бузилиши профилактикаси, йўл-транспорт ҳодисалари ва йўллар бандлигининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш;

учинчидан — ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишнинг, назоратнинг юқори самарадорлигини таъминловчи йўл ҳаракатини автоматлаштирилган тарзда тартибга солиш, видеокузатув ва йўл ҳаракати қоидалари бузилишини қайд этиш тизимларини, бошқа техник воситаларни, аввало вилоят марказларида янада кенгайтириш;

тўртинчидан — йўлларни сақлаш ва уларни йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситалари билан жиҳозлаш бўйича ўрнатилган талабларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш;

бешинчидан — фуқаролар орасида йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини оширишга қаратилган самарали тушунтириш ишлари тизимини, шу жумладан аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларининг шакл ва усулларини кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш орқали ривожлантириш;

олтинчидан — йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқларига сўзсиз риюя этилишини, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишини, хизматни ўташ вақтида муомала маданияти ва одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш;

еттинчидан — йўл-патрул хизмати ходимларининг хизмат вазифаларини лозим даражада бажариши устидан назоратни коррупция ва ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатларини истисно этадиган тарзда кучайтириш, шунингдек кадрларни танлаш, уларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг таъсирчан механизмни жорий этиш;

саккизинчидан — давлат хизматларини кўрсатишнинг содалаштирилган тартиб-таомилларини назарда тутувчи ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг шаффофлигини таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг «Uzavtoyo'lbegi» давлат унитар корхонасини ташкил этиш (кейинги ўринларда — «Uzavtoyo'lbegi» ДУК) ҳамда стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқаришни унинг асосий вазифаси этиб белгилаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

3. Қайд этилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ–2776-сонли «Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Республика йўл жамғармаси фаолиятларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг пудратчи ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Белгилансинки:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича ташкилотлар учун йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқариш фақат «Uzavtoyo'lbegi» ДУК томонидан амалга оширилади;

«Uzavtoyo'lbegi» ДУКнинг таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳисобланади.

4. «Uzavtoyo'lbegi» ДУКга, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан мазкур қарорга асосан маҳсулот сотиб олиш ва етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни танлов (тендер) савдоларини ўтказмасдан тузишга рухсат берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖ «Uzavtoyo'lbegi» ДУКнинг асосланган ҳисоб-китобларига биноан йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл

ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситаларини, шунингдек уларни мустаҳкамлаш учун ўрнатиш конструкцияларини ишлаб чиқариш учун тартибга солинадиган нархлар бўйича тўғридан-тўғри шартномалар орқали металл прокати ва цемент ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тижорат банклари билан биргаликда «Uzavtoyo'lbelti» ДУКнинг асосланган буюртманомалари бўйича асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, материаллар, жиҳозлар, хом ашё, технологик ҳужжатлар, техника, дастурий маҳсулотлар ва бошқа воситаларни сотиб олиш учун зарур бўлган пул маблағларини конвертация қилиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси:

икки ой муддатда «Uzavtoyo'lbelti» ДУК фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ўрнатилган йўл белгиларини хатловдан ўтказиш, уларни босқичма-босқич замонавий юқори интенсив (нур қайтарувчи) қопламали йўл белгилари билан алмаштириш, шунингдек узоқ муддат фойдаланиладиган барқарор йўл чизиқларини чизиш учун махсус техника ва асбоб-ускуналар сотиб олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда халқаро ва давлат аҳамиятига молик йўллар учун 900 мм, бошқа йўллар учун — 700 мм ўлчамдаги металл корпусли ва юқори интенсив (нур қайтарувчи) қопламали йўл белгиларини ишлаб чиқариш, шунингдек яқин жойлашган объектлар хусусиятлари ва қатнов қисмининг узоқлигини инобатга олган ҳолда уларнинг аниқ кўриниши учун шароит яратиш имкониятини берувчи конструкцияларга мустаҳкамлашни назарда тутган ҳолда йўл ҳаракати соҳасида стандартлаштириш бўйича янгиланган норматив ҳужжатлар тасдиқласин.

8. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сонли «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳузуридаги Махсус эксплуатация-монтаж бошқармаси Тошкент шаҳар ҳокимлигига ўтказилди.

Махсус эксплуатация-монтаж бошқармаси қошидаги «Uzavtomotobelgi» шўъба корхонаси «Uzavtomotobelgi» давлат унитар корхонасига (кейинги ўринларда — «Uzavtomotobelgi» ДУК) ўзгартирилсин.

Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси «Uzavtomotobelgi» ДУКнинг таъсисчиси ҳисобланади;

«Uzavtomotobelgi» ДУК «Uzavtomotobelgi» шўъба корхонасининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги икки ой муддатда

белгиланган тартибда «Uzavtomotobelgi» ДУКнинг тузилмаси ва уставини тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. 2017 йил 1 сентябрдан эътиборан автотранспорт воситалари учун харидоргир харф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган давлат рўйхат рақамларини оширилган тўлов ставкалари бўйича, шу жумладан кимошди савдосини ўтказиш йўли билан танлаш тартиби жорий этилсин.

13. 2018 йил 1 январдан эътиборан автотранспорт воситасидан фойдаланиш ва (ёки) уни тасарруф этиш ҳуқуқи учун ишончномаларни, автотранспорт воситасининг ижара, текин фойдаланиш, гаров, лизинг шартномаларини фуқаролар томонидан ички ишлар органларининг тегишли йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги талаб нотариуслар томонидан уларнинг электрон шаклини жўнатиш тартибини ўрнатган ҳолда бекор қилинсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг:

Тошкент шаҳрида компьютерлаштирилган тизимни кенгайтириш, шунингдек уни Нукус шаҳри ва вилоят марказларида жорий қилиш орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришнинг ягона марказлаштирилган ахборот-компьютер тизимини яратиш;

ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйиш, автомобиль ҳаракати устидан самарали назоратни таъминлаш мақсадида йўл-патрул хизмати стационар постларини мақбуллаштириш, уларни белгиланган намунавий схема бўйича босқичма-босқич реконструкция ва модернизация қилиш, моддий-техник жиҳозлаш;

2018 йил 1 январдан эътиборан йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларини, юк, йўловчи ва махсус транспорт воситалари бундан мустасно, мажбурий техник кўриқдан ўтказиш бўйича функцияларини юридик шахслар — тадбиркорлик субъектларига босқичма-босқич улар кўрсатадиган хизматлар учун қатъий нархлар ҳамда ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорликка оид талабларни ўрнатган ҳолда ўтказиш;

йўл-патрул хизмати махсус асбоб-ускуналари ва автомобиль техникасини узлуксиз янгилаб бориш учун ҳар йили 55 та белгиланган тартибда жиҳозланган автотранспорт воситалари, 600 та жезл, 500 та радиостанция ва бошқа воситаларни харид қилиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

15. Тошкент шаҳрида, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида тажриба тариқасида йўл-патрул хизмати мотоциклдаги гуруҳлари тузилсин ва уларга йўллар ва кўчаларнинг ҳаракатланиш қийин бўлган қатнов қисмларида, одамлар гавжум жойларда, шунингдек хорижий ва бошқа делегацияларни кузатишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифалар юклатилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда автотранспорт воситалари учун харидоргир харф ва

рақамлар комбинациясига эга бўлган давлат рўйхат рақамларини оширилган тўлов ставкалари бўйича, шу жумладан кимошди савдосини ўтказиш йўли билан танлаш тартибини тасдиқласин;

2017 йил 1 октябрга қадар Йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришнинг ягона марказлаштирилган ахборот-компьютер тизимини жорий қилиш, шунингдек йўл-патрул хизмати стационар постлари сонини ва жойлашувини мақбуллаштиришни инobatга олган ҳолда уларни белгиланган намунавий схема бўйича босқичма-босқич реконструкция ва модернизация қилиш, моддий-техник жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар дастурларини тасдиқласин;

2017 йил 1 декабрга қадар мазкур қарор талабларини инobatга олган ҳолда юридик шахслар — тадбиркорлик субъектлари томонидан жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини белгиласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

2018-2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси таълим жараёнига «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» мутахассислиги бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлашни жорий этсин;

Тошкент шаҳар, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида мотоциклда йўл-патрул хизматини ўташни ташкил этиш, ходимларни мотоциклни бошқаришга ўргатиш чораларини кўрсин ва 2018 йил 1 октябрга қадар тажриба натижаларини таҳлил қилган ҳолда йўл-патрул хизматининг мазкур турини мамлакатнинг бошқа ҳудудларида жорий этиш бўйича таклифлар киритсин;

уч ой муддатда йўл-патрул хизмати махсус автотранспорт воситаларини аудио ва видео қайд этиш қурилмалари, шунингдек уларнинг ходимларини мобил видеокамералар билан босқичма-босқич жиҳозлаш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда йўл ҳаракати соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш, тегишли нотариал ҳаракатларни ҳисобга олиш, автотранспорт воситаларининг техник кўриқдан ўтишини назорат қилиш, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштиришни таъминловчи электрон тизим ишлаб чиқсин ва 2018 йил 1 январдан бошлаб жорий этсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2017 йил 1 декабрга қадар автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини, шу жумладан ўқув жараёни самарадорлигини ошириш ва ўқитишнинг замонавий усулларини жорий қилишни назарда тутган ҳолда, янада такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. «Ўзэлтехсаноат» АК икки ой муддатда маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиш ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига маҳсулот таннархини туширган ҳолда махсус жиҳозланган автотранспорт воситалари учун юқори сифатли ишорали овоз кучайтиргич мосламалар ишлаб чиқариш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган бюджет маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, хорижий давлатлар давлат кредитлари ва халқаро молия ташкилотлари маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

20. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 11 июль,
ПҚ-3127-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 11 июлдаги
ПҚ-3127-сонли қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси (кейинчалик — Бош бошқарма) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинчалик — ИИВ) марказий апаратининг тузилмавий бўлинмаси ҳисобланиб, йўлларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларнинг профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишлар ташкил этилишини таъминлайди.

2. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституция-

си, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишлари, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Бош бошқарма ўз фаолиятига оид масалалар бўйича белгиланган тартибда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, ташкилотлар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тизимини ташкил этувчи ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлигининг бўлинмалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси;

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари;

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг йўл-патрул хизмати бригадаси;

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари йўл-патрул хизмати батальонлари (отрядлари);

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари туман (шаҳар) бошқармалари (бўлимлари)нинг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари);

5. Бош бошқарма ўзининг мустақил балансига, банк ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва ўзининг тўлиқ номи кўрсатилган иш қоғозлари ва муҳрига эга, шунингдек Бош бошқарма фаолиятининг хусусиятлари акс этилган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирли томонидан таъсис этиладиган белги-рамзларига эга бўлиши мумкин.

2-боб. Бош бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бош бошқарманинг асосий вазифлари ҳисобланади:

йўл-транспорт инфратузилмасининг ҳолати, йўл-транспорт ҳодисалари динамикаси, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши, йўлларнинг тирбандлиги, транспорт воситаларининг техник ҳолатини ҳисобга олган ҳолда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги маълумотларни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, шунингдек мазкур соҳада вужудга келадиган муаммолар ва камчиликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш;

ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишлари билан курашиш борасидаги фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланишини, шу жумладан йўл ҳаракати қоидалари бузилиши профилактикаси ва уларга чек қўйишни, йўл-транспорт ҳодисалари ва йўллар тирбандлигини олдини олишни, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига алоқадор бўлган шахсларни излаб топиш ва шахслари аниқланишини ташкил этиш;

ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш, шунингдек аҳоли билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича очиқ мулоқотлар олиб бориш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шунингдек унинг шакллари ва услубларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

7. Бош бошқарма ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги маълумотларни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, шунингдек мазкур соҳада вужудга келадиган муаммолар ва камчиликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш соҳасида:

йўл-транспорт инфратузилмасининг ҳолати, йўл-транспорт ҳодисалари динамикаси, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши, йўлларнинг тирбандлиги, транспорт воситаларининг техник ҳолатини ҳисобга олган ҳолда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги маълумотларни талаб этиш, баҳолаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек мазкур соҳада вужудга келадиган муаммолар ва камчиликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

йўллар ва автомагистраллардаги ҳуқуқбузарликлар билан профилактик фаолият ҳамда улар билан курашиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш, хизмат-жанговар фаолиятни такомиллаштириш борасида маълумотлардан самарали фойдаланиш бўйича чоралар кўриш;

йўллар ва темир йўлни кесиб ўтадиган жойдан фойдаланиш, аниқланган авариявий ўчоқларни йўқ қилиш, ҳаракат тезлигини чеклаш бўйича чораларни кўриш;

йўлларда транспорт воситалари иштирокидаги авариявий ҳолатларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш асосида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрта ва узоқ муддатли комплекс чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш, режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш;

йўл-транспорт ҳодисаларининг профилактикаси ҳамда йўл ҳаракатини ташкил қилишга оид ижобий, шу жумладан хорижий тажрибани жорий этиш бўйича тавсияларни ўрганиш, умумлаштириш ва ишлаб чиқиш;

б) ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинма-

ларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишлари билан курашиш борасидаги фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини режалаштириш ва прогноз қилишни ташкил этиш;

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан махрум этиш ҳақидаги суд қарорини ижро этиш;

йўл-транспорт ҳодисалари ва йўл ҳаракати қоидалари бузилишларини, уларни содир этган шахслар, жабрланувчилар ҳисобини юритиш ҳамда профилактика тадбирларини режалаштириш ва олиб бориш мақсадида ушбу маълумотларни таҳлил қилиш;

жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этиш изларининг сақланиши ва ҳолатлари қайд этилишини таъминлаш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ишини текшириш ҳамда аниқланган камчиликларни барта-раф этиш устидан назорат қилиш;

в) йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланишини ташкил этиш соҳасида:

ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги, шу жумладан йўл-транспорт ҳодисалари ва йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг профилактикаси, шунингдек улар билан курашишни таъминлаш, қоидабузарликлар содир этилишига алоқадор бўлган шахсларни излаб топиш ва уларнинг шахсини аниқлаш борасидаги фаолиятини ўрганиш;

автомототранспорт воситаларини ҳисобга олиш, уларни техник кўриқдан ўтказиш ва уларнинг техник ҳолати, улардан фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

олиб қочиб кетилган автотранспорт воситалари қидирувини амалга ошириш, тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини олиб боришда кўмаклашиш;

йўл ҳаракати соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги иш ҳужжатларининг кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга ошириш;

йўловчиларни, оғир юкларни, йирик габаритли, хавfli ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракат йўналишларини аниқлаш;

хайдовчиларни тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолияти, имтиҳонларни қабул қилиш устидан назоратни таъминлаш;

техник ҳолати белгиланган хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишга тақиқ қўйиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид талабларга риоя этилмаса, кўчалар ва йўлларда таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишлар олиб борилишига нисбатан чекловлар ёки тақиқни қўллаш;

фавқулудда вазиятларда зарур бўлган йўл участкаларини ёпиш (тўсиш), транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ёки тўхтатиш бўйича шошилинч чораларни кўриш;

кўчалар, майдонлар, транспорт магистралларида, шунингдек оммавий тадбирлар ўтказилишида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

ўта хавфли ва махсус юкларни кўриқлаш ва кузатиб бориш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

г) ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш, шунингдек аҳоли билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича очиқ мулоқотлар олиб бориш соҳасида:

ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда аҳоли билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ахборот алмашиш ва чора-тадбирлар ўтказилишини амалга ошириш;

ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолияти ҳақида жамоатчилик фикри ўрганилишини ташкил этиш;

йўл ҳаракати соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишлар кўриб чиқилиши билан боғлиқ бўлган жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ходисалар ҳақидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни, шу жумладан электрон шаклда қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриб, кейинчалик мурожаат этган шахсни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиш;

йўл ҳаракати қоидаларини аҳоли орасида, шу жумладан таълим муассасаларида ва автотранспорт хўжаликларида тарғиб қилиш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги ойликлари ўтказилишини таъминлаш;

д) йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шунингдек унинг шакллари ва услубларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш соҳасида:

йўл ҳаракати хавфсизлигини такомиллаштириш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этиш;

замонавий компьютер воситалари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришга оид диспетчерлик хизмати ва ахборот-коммуникация тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларини ишлаб чиқиш;

йўл ҳаракатини тартибга солиш ҳамда йўллар ва темир йўлни кесиб ўтадиган жойдан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, уларни йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозлаш, шунингдек Бош бошқарма фаолиятининг бошқа соҳаларида улардан фойдаланиш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларига доир илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатларини ташкил қилиш ва ўтказиш, ахборот материалларини тайёрлаш.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Бош бошқарма ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

8. Бош бошқарма ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига доир ахборот, статистик, таҳлилий материалларни, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ва бошқа ташкилотларнинг электрон базаларидан талаб этиш ва олиш;

ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг ҳужжатлари ва материаллари билан танишиш;

йўл ҳаракати соҳасидаги қоидабузарликларни, шунингдек уларнинг содир этилишига имконият яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахсларга киритиш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларига юклатилган тадбирларни амалга оширишда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмаларидан кўмаклашишни талаб қилиш;

ўз ваколатлари доирасида ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган ёзма ва оғзаки кўрсатмаларни бериш;

ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари ходимлари томонидан хизмат интизомига, ишчи ва хизматчилари томонидан эса меҳнат интизомига риоя этилишини текшириш;

ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таклифларни киритиш.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Бош бошқарма қуйидаги мажбуриятларга эга:

ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини муҳофаза қилиш бўйича зарур чораларни кўриш;

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг иш юритиши тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

10. Бош бошқарма унга юклатилган вазифа ва функциялар самарали бажарилиши учун жавобгар бўлади.

4-боб. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этиш

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва ундан озод этиладиган бошлиқ Бош бошқармага раҳбарлик қилади.

Бош бошқарма бошлиғи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва ундан озод этиладиган иккита ўринбосарига, шу жумладан битта биринчи ўринбосарига эга бўлади.

12. Бош бошқарма бошлиғи:

Бош бошқарманинг ишини ташкил этади ва унинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, унга юклатилган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади, ўз ўринбосарлари ва Бош бошқарма тузилмавий бўлинмалари бошлиқларининг функционал мажбуриятларини белгилайди;

Бош бошқарманинг иш режаларини тасдиқлайди;

ўз ваколатлари доирасида кўрсатмаларни чиқаради ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг бутун шахсий таркиби томонидан бажарилиши мажбурий бўлган фармойишлар лойиҳаларини киритади;

Бош бошқарма кадрларини танлаш ва уларни жойлаштириш бўйича ишлар, уларнинг касбий малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича тадбирлар ташкил этилиши, улар томонидан хизмат ва меҳнат интизомига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

Бош бошқарманинг шахсий таркиби билан профилактика ва тарбиявий ишларни олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятининг топшириғига биноан давлат, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг расмий тадбирларида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти учун ўз ўринбосарлари, тузилмавий бўлинмалар бошлиқлари ва шахсий таркибини тайинлаш, бошқа ишга кўчириш, эгаллаб турган лавозимларидан озод этиш ва ички ишлар органларидан бўшатиш ҳақида таклифларни тайёрлайди, шунингдек Бош бошқарма ишчи ва хизматчиларини тайинлайди, бошқа ишга ўтказиши, эгаллаб турган лавозимларидан озод этади ва бўшатади;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига Бош бошқарма ходимларига махсус унвонларни бериш, уларни рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритади;

Бош бошқарма фаолиятига доир ҳужжатларни тасдиқлайди, пул маблағларини тасарруф этади, фуқаролик-ҳуқуқий ва меҳнат шартномаларини тузади;

Бош бошқарма ходимларини белгиланган тартибда хизмат сафарларига юборади;

ўз ваколатлари доирасида Бош бошқарма ходимларига таътиллار беради;

йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

13. Бош бошқарма бошлиғи бўлмаган ҳолларда унинг мажбуриятларини биринчи ўринбосари бажаради.

14. Бош бошқарма ходимлари Бош бошқарма бошлиғининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига кўра Бош бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимларга тайинланади ва улардан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимларга тайинланади ва улардан озод этилади, бунда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари бўлим (бўлинмалар)лари бошлиқлари Бош бошқарма бошлиғи билан келишилади.

16. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимларга тайинланади ва улардан озод этилади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) ходимлари туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг тақдимномасига кўра йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари бошлиқлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимларга тайинланади ва улардан озод этилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

17. Иш юритув ва махфийлик режимини ташкил этиш ва таъминлаш

28 (788)-сон

— 57 —

645-646-моддалар

бўйича чора-тадбирлар Бош бошқарма томонидан белгиланган тартибда мустақил равишда амалга оширилади.

18. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларини қурол-яроғ, махсус техника ва бошқа моддий-техник воситалар ҳамда бошқа мол-мулк билан таъминлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.